

«BIOKIMYO» AJ  
акциядорларининг 2022 йил 29 июндаги  
Умумий йиғилиши қарори билан

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

Умумий йиғилиш Раиси А.Тугизбаев  
М.Ү.

**«BIOKIMYO»  
AKSIYADORLIK JAMIYATINING**

**Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) түғрисидаги  
НИЗОМИ  
(янги таҳрири)**

**Янгийүл тумани – 2022 йил**

## **МУНДАРИЖА**

1. Умумий қоидалар . . . . .	3
2. Жамият Тафтиш комиссиясининг ваколатлари. . . . .	3
3. Тафтиш комиссиясининг таркиби. . . . .	3
4. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари . . . . .	4
5. Тафтиш комиссияси Раиси. . . . .	4
6. Тафтиш комиссияси аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари . . . . .	4
7. Жамият Тафтиш комиссиясининг мажлислари. . . . .	5
8. Тафтиш текширувларини ўтказиш тартиби . . . . .	5

## **1. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Низом «BIOKIMYO» Aksiyadorlik jamiyatining (бундан бўён матнда Жамият деб юритилади) Тафтиш комиссиясининг ташкил этиш ва унинг фаолият тартибини, аъзоларини сайлашни, шунингдек уларнинг хукуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6-майдаги 370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонуни (бундан бўён матнда Қонун деб юритилади), акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси” (бундан бўён матнда Кодекс деб юритилади) ҳамда Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият Тафтиш комиссияси ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган мазкур «Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) тўғрисида»ги низом асосида амалга оширади.

1.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият Уставига мувофиқ акциядорларнинг Умумий йиғилиши Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) ни сайлаши мумкин.

## **2. Жамият Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) нинг ваколатлари**

2.1. Акциядорлар Тафтиш комиссиясининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Тафтиш комиссияга зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслардан ёзма талаби асосида олиш. Жамият Тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва текшириш якунларига кўра хulosани тузиш ва акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишига эшлишига тақдим этиш;

Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва Жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани тузиш ва Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига тақдим этиш;

қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;

Тафтиш комиссияси ва ички аудит хизматининг кузатув кенгashi, акциядорлар умумий йиғилиши, миноритар акциядорлар кўмитаси (агар мавжуд бўлса) ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Жамият ички назорат органининг аъзоларига тўланадиган компенсация ва мукофот пулларини ҳисоблаш тартибини тасдиқлаш;

қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ Кузатув кенгашини мажлисини чақирилишини талаб қилиш;

Тафтиш комиссиянинг ваколат доирасига қонунчиликка ва Жамият Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

2.2. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва Жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани **ҳар чоракда** Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

### **3. Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) нинг таркиби**

3.1. Тафтиш комиссияси акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланиши мумкин. Овоз бериш Тафтиш комиссияси аъзолигига ҳар бир номзод бўйича алоҳида ўтказилади.

3.2. Тафтиш комиссияси таркиби сони Жамият Уставида белгиланади.

3.4. Айни бир шахс айни бир Жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

3.5. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

3.6. Акциядорлик жамияти Бошқарувининг аъзолари Тафтиш комиссияси таркибига кириш ҳуқуқига эга эмаслар.

### **4. Жамият Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) аъзоларига доир малака талаблари.**

4.1. Тафтиш комиссияси аъзолари олий маълумотга эга бўлиши;

4.2. Қуйидаги соҳаларда билимга ва маҳоратга эга бўлиши:

- корхонани бошқариш, молиявий менеджмент, ички назорат соҳасида;
- бухгалтерия хисоби, аудит ва молия соҳасида;
- корпоратив бошқарув соҳасида.

4.3. Мос келадиган стандартлар, қонунлар, техник регламентлар, қоида, нуқтаи назар, усул ва бухгалтерия хисоби услублари соҳасидаги билимларга эга бўлиши;

4.4. Молия, молиявий хисоботларни тайёрлаш ва бошқариш соҳасида тегишли қарорларни қабул қилишни назарда тутувчи бошқарув соҳасида ёки малака доирасида амалий иш тажрибасига эга бўлиши;

4.5. Тафтиш комиссияси таркибida камида бир йиллик тажрибаси бўлиши шарт.

### **5. Тафтиш комиссияси Раиси**

5.1. Тафтиш комиссияси Раиси Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларининг Жамият Тафтиш комиссиясига сайланган аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади. Жамият Тафтиш комиссияси аъзолари ҳар қандай пайтда Тафтиш комиссияси Раисини Жамият Тафтиш комиссиясига сайланган аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

5.2. Тафтиш комиссиясига Раиси унинг ишини ташкил этади, Тафтиш комиссия мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласи, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

### **6. Тафтиш комиссияси аъзолари (Тафтишчи) нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

6.1. Жамият Тафтиш комиссияси ўз ваколатларини амалга оширишда фақат Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, Жамият Устави ва Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг қарорлари талабларига амал қиласи.

6.2. Тафтиш комиссияси аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Тафтиш комиссия мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Жамиятининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш, шу жумладан Жамият бошқарув органлари мансабдор шахслари, Жамият ижроия аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларидан текширув мобайнида пайдо бўладиган масалалар бўйича ёзма тушунтиришлар олиш;

Тафтиш комиссияда ишлаганлик учун (агар тақдирлаш пули тўлаш Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши қарорида назарда тутилган бўлса), тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш;

қонунчилик, Жамият Устави ва мазкур Низоми мувофиқ бошқа хуқуқлар.

Тафтиш комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Тафтиш комиссия Раиси томонидан ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Тафтиш комиссияси ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

6.4. Жамият Тафтиш комиссияси аъзолари қуидагиларга мажбурдирлар:

Тафтиш комиссияси мажлисларида, Жамият молиявий ва хўжалик фаолиятини текширишда шахсан иштирок этиш;

олинадиган маълумотлар махфийлиги режимига риоя этилишини таъминлаш ва тафтиш текширувларини ўтказиш жараённида уларга ошкор бўлган ахборотни рухсатсиз овоза қилинишига йўл қўймаслик;

Тафтиш комиссия аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек акциядорлик Жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириш;

қонунчилик, Жамият Устави ва мазкур Низоми мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

6.5. Тафтиш комиссия аъзолари Тафтиш комиссия томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир қўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш хуқуқига эга эмас.

6.6. Тафтиш комиссия аъзолари Жамияти имкониятлари (мулкий ва номулкий хуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш хуқуқига эга эмас.

## 7. Жамият Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) нинг мажлислари

7.1. Жамият Тафтиш комиссия мажлислари унинг Раиси томонидан бошқа аъзоларига ҳабар бериш йули билан чақирилади.

7.2. Жамиятнинг Тафтиш комиссия мажлиси кворуми мавжуд бўлган тақдирда Жамият Тафтиш комиссия ваколатли бўлади. Тафтиш комиссия мажлисини ўтказиш учун кворум Тафтиш комиссия аъзолигига сайланган аъзоларнинг камида **олтмиш** фоизи иштирок этганида кворум ҳисобланади.

7.3. Тафтиш комиссиянинг мажлисида қарорлар агар қонун хужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг **кўпчилик** овози билан қабул қилинади.

7.4. Жамият Тафтиш комиссия мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Тафтиш комиссиянинг ҳар бир аъзоси **битта** овозга эга бўлади. Тафтиш комиссиянинг бир аъзоси ўз овозини бошқа аъзосига йўл қўйилмайди. Тафтиш комиссия аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда Тафтиш комиссиянинг қарорини қабул қилишда Жамият Тафтиш комиссия и Раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

7.5. Жамият Тафтиш комиссиянинг мажлисида баённома юритилади. Тафтиш комиссия мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг **уч кундан** кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуидагилар қўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари; қабул қилинган қарорлар.

7.6. Тафтиш комиссия мажлисининг баённомаси Тафтиш комиссия Раиси томонидан имзоланади, у мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Жамият Тафтиш комиссия мажлисининг баённомасидан кўчирмани Жамият Тафтиш комиссия Раиси имзоланади, у мажлис баённомаси ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

## **8. Тафтиш текширувларини ўтказиш тартиби**

8.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, акциядорлар Умумий йигилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида **беш** фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш ўйли билан **бир йиллик ёки бошқа давр** ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

8.2. Текширув ўтказиш ҳақидаги талабнома Жамиятга, Тафтиш комиссияси Раиси номига юборилади.

8.3. Текширувларни ўтказишида Тафтиш комиссияси текширув предметига тааллуқли бўлган барча хужжатлар ва материалларни ўрганиши лозим.

8.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ташаббускорлари Тафтиш комиссияси томонидан текшириш ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилингунга қадар хар қандай вақтда бу ҳақда Тафтиш комиссиясини ёзма равища хабардор қилган ҳолда ўз талабномаларини чақириб олишлари мумкин.

8.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг Тафтиш комиссияси хulosса тузади, бу хulosада:

Жамиятнинг хисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда конун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот;

Бошқарув ва ички назорат органлари аъзоларининг мукофот ва компенсациялари кўрсатилиши шарт.